

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Термиз давлат университети  
Ижтимоий иқтисодий факультети  
Иқтисодий назарияси кафедраси**

**Б И Т И Р У В  
М А Л А К А В И Й  
И Ш И**

**Мавзу: “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш  
билан таъминлашнинг устувор йўналишлари”**

Бажарди:5111000-касб таълими: иқтисодиёт таълим йўналиши 4 -курс 407  
гуруҳ талабаси

**Авруков Юсуфбек Абдиламин ўғли**

Илмий раҳбар:

И.Ф.Н. Ў.Ражабов

Термиз – 2016 й

## Мундарижа:

Кириш .....

**I -Боб. Малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг ислоҳ қилинишида узлуксиз таълимнинг ўрни.....**

1.1. Узлуксиз таълимнинг шаклланиши ва ривожланишида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг” аҳамияти.....

1.2. Касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда хорижий тажрибалар ва уларнинг хусусиятлари.....

1.3. Ислохотлар даврида касб-ҳунар таълимини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви ва амалиётга тадбиқ этилиши....

**II Боб. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўламини кенгайтириш масалалари ва йўналишлари.....**

2.1. Касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграциялашуви талабалар билимини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида.....

2.2. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашдаги муаммо ва ечимлар.....

2.3. Битирувчилар иш билан бандлигини таъминлашнинг назарий таҳлили

**Хулоса ва таклифлар.....**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Дарҳақиқат, ҳар бир давлат ўз фуқаролари билимли, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, маънавий баркамол, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуради. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов бу хусусда бундай дейди: «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда, биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»<sup>1</sup>.

Шу мақсадда Ўзбекистон республикасида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” қабул қилинди. Унинг мазмун ва моҳияти ҳам узлуксиз таълимни ташкил қилади. Узлуксиз таълим етук ва комил инсон тарбиясига хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви ва бозор муносабатлари шаклланишида ҳамда таркибий ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда касб-ҳунар коллежлари фаолиятини такомиллаштириш ва инсонни ҳар томонлама тараққий этириш беҳад муҳим бўлмоқда.

Ушбу вазифалар қаторидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг самарали иш билан бандлигини таъминлаш масалалари ҳам жой олган. Чунки ёш авлоднинг иш билан бандлигини таъминлаш орқали уларнинг келажакка ишочини ортиришга ҳамда касб-ҳунар коллежлари билан ишлаб чиқариш корхоналарининг интеграциялашуви натижасида иқтисодиёт тизимларининг барқарорлашувига эришилади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш

---

<sup>1</sup> Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Баркамол авлод орзуси. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1998. – 81-б

билан бандлигининг нақадар муҳимлигига эътибор қаратиб “Мен айна шу масалага алоҳида эътиборни жалб этмоқчиман. Эндигина катта ҳаётга қадам қўяётган ярим миллиондан ортиқ болаларимизни, ўзимизнинг фарзандларимизни ишга жойлаштириш дегани нимани англатади? Бу фақат куруқ рақам эмас. Бу рақамлар ортида қанча-қанча одамлар, ёшларимизнинг тақдири, уларнинг эртанги куни, бахту саодати, қувонч ва орзулари мужжассам”<sup>2</sup>, - эканлигини таъкидлаган эдилар.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан касб-ҳунар коллежларини ислоҳ қилишнинг стратегик вазифалари белгилаб берилдики, бу ёш авлодни иш билан таъминлашда кечаётган чуқур ва кўп қиррали жараёнларни ўрганишга ундайди.

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда, касб-ҳунар коллежлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг вазифалари.** Белгиланган мақсадга мувофиқ тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- малакали кадрлар тайёрлаш ва касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг” аҳамиятини ўрганиш;
- касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда хорижий тажрибалар ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш;
- ислохотлар даврида касб-ҳунар таълимини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви ва амалиётга тадбиқ этилишини тадқиқ этиш;

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир.-Т: Ўзбекистон, 2013.-Б. 28.

- касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграциялашуви талабалар билимини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида эканлигини аниқлаш;
- касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашдаги муаммо ва ечимларни ўрганиш;
- касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Касб-ҳунар коллежларининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг предмети.** Касб-ҳунар коллежларини ислоҳ қилишда юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги:**

- малакали кадрлар тайёрлаш ва касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг” аҳамияти ўрганилган;
- касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда хорижий тажрибалар ва уларнинг хусусиятлари аниқланган;
- ислохотлар даврида касб-ҳунар таълимини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви ва амалиётга тадбиқ этилиши ёритилган;
- касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграциялашуви талабалар билимини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатидалигини;
- касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашдаги муаммо ва ечимлар аниқланган;
- касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## **I -Боб. Малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг ислох қилинишида узлуксиз таълимнинг ўрни**

### **1.1. Узлуксиз таълимнинг шаклланиши ва ривожланишида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг” аҳамияти**

Ҳозирги кунда малакали кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусияти унинг узлуксизлигидан иборатдир. Узлуксиз таълимнинг шаклланиши ва ривожланишида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг” аҳамияти катта бўлди ва асос солинди.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тузум ва урф-одатларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз ривожланиш моделини танлаб олди. Ислохотлардан олдинги кадрлар тайёрлаш ва таълим тизими республикада амалга оширилаётган демократик ва бозор ўзгаришлари талабига жавоб бермай қўйди.

Мамлакат ривожланишининг асосий шарт-шароитларидан бири такомиллашган кадрлар тайёрлаш ва таълим тизими фаолия кўрсатишдан иборат. Ушбу тизим юқори даражада ривожланган жамиятда умумий ва касбий маданиятли, ижтимоий ва шахсий фаол бўлган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қарорлар қабул қила оладиган одамларнинг янги авлодини шакллантириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бошчилигида ишлаб чиққан давлатни ривожлантириш миллий модели кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг асоси, ядроси бўлиб ҳисобланади. Дастур ислохотлар учун меъёрий, илмий пойдевор бўлиб, 1997 йилдан бошлаб кадамма-қадам жорий қилиниб келмоқда. Ушбу ҳужжат тўққиз йиллик умум

ўрта таълимни, умуман янги мустақил турдаги – ўрта махсус, касбий таълимни, иккита даражали олий таълимни ўз ичига олувчи таълим тизими шакли ва мазмунини тубдан ўзгартириш имконини беради. Кадрлар тайёрлаш миллий модельнинг мазмуни ва ўзига хос хусусияти тизимнинг бутунлиги, унга асосий ташкил этувчилар сифатида қуйидаги компонентларни: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқаришни киритишдан иборат.

Мустақиллик йилларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим қуйидаги йўналишлари ҳаётга татбиқ этилди:

1. Мактабгача таълим.
2. Умумий ўрта таълим.
3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.
4. Олий таълим.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим.
6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
7. Мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли авлодни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ислоҳ қилиш узоқ давр - ислоҳотларни стратегик йўналишларини аниқлашдан, то уларни тугаллашгача бўлган даврни олади, ва у бир қатор қонуниятларнинг намоён бўлиши билан содир бўладики, уларни билиш бу жараёни бошқариш имконини беради.

Илм-фанга, фуқароларнинг таълим даражасини оширишга берилаётган эътибор бу соҳадаги давлат сиёсати қай даражада олиб борилаётганлиги ва самарадорлиги пировард натижада шу мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётини белгилаб беради. Буни чуқур англаб етган республикамиз

раҳбарияти умумтаълим тизимини, касб-хунар шунингдек, олий таълимни тубдан ислоҳ қилишга киришди.

Ўтиш даврига хос бўлган бюджет тақчиллиги шароитида таълим тизимини ривожлантириш, янги касб-хунар таълимини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базаси ва илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, 1997 йил август ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури бунга мисол бўлади.

XX асрнинг охирида саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақа фан, техника ва технология соҳасига кучли, чунки рақобатбардош кадрлар тайёрламасдан туриб, рақобатбардош иқтисод бўлиши мумкин эмас. Бу режа бўйича Ўзбекистон Республикасида Миллий дастур базасида рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фани, техника, технология ва иқтисод ривожини ҳисобга олган ҳолда юқори даражага эришиш назарда тутилган. Янги авлод рақобатбардош гармоник ривожланган кадрлар қобилият эгаси бўлиб, келажакда юқори маданий тафаккур ва мустақил равишда илмий-техника ва ижтимоий-сиёсий ахборотлар йўналтирилган вазифаларни ҳал қилишлари зарур. Ана шундай кадрларни тайёрлаш учун Миллий дастур янги модел компонентларини қуйидагича назарда тутди:

\* шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти бўлиб, таълим хизматларининг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчисидир;

\* узлуксиз таълим - бу малакали кадрлар тайёрлаш тизимига ўқув-илмий ишлаб чиқариш ва тарбия базасидир;

\* давлат ва жамият - юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг бош қафолати эканлиги;



\* фан - бу юқори малакали кадрлар ишлаб чиқувчиси ва истеъмолчиси эканлиги;

\* иқтисодиёт - бу кадрлар буюртмасининг асоси бўлиб, уларни сифатли тайёрлигини баҳолайди, кадрлар тайёрлаш тизимини моддий-техник таъминоти ва эквивалентли молиялашни амалга оширади.

Ушбу моделнинг асосий учта йўналиши мавжуд:

Биринчи йўналиш - шахс узлуксиз таълим тизимида ўзининг фуқаролик мажбуриятини билим бериш ва ишлатиш бўйича максимал даражада амалга оширади.

Иккинчи йўналиш - давлат ва жамият шахсининг фуқаролик бурчини самарали амалга ошириш ва иқтисодни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича миллий вазифаларни ҳал этади.

Учинчи йўналиш - бу иқтисодни ташкил қилиб, давлат бюджети ёки контракт бўйича зарур бўлган кадрлар тайёрлаш учун молиялаштириш ва моддий-техника базасини таъминлайди.

Миллий дастур социал-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратиш, кадрлар тайёрлаш тизими бўйича кўрсатилган йўналишлар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъмин этишни назарда тутди.

Миллий дастурда айниқса, иккинчи йўналишга - малакали кадрлар тайёрлаш тизими ва узлуксиз таълимни такомиллаштириш кафолатига, рақобатбардош хизматлар кўрсатишга қобилиятли таъсир қилиш ва рақобатбардош маҳсулотлар яратишга алоҳида ўрин ажратилган.

Давлат ва жамият кафолати асосан қуйидагиларда ўз аксини топган:

Биринчидан, фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини, профессионал касби ва малакасини оширишни амалга ошириш;

Иккинчидан, сифатсиз таълимдан ҳимоя қилиш;

Учинчидан, давлат таълим муассасаларининг молиялаштириш;

Тўртинчидан, ўқиш, яшаш ва дам олиш шароитларини таъминлашда ўз-ўзини бошқариш вазифаларини ҳал қилиш;

Бешинчидан, педагогик кадрлар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш;

Олтинчидан, соғлиги ночор шахсларни профессионал таълим олишини таъминлаш;

Еттинчидан, ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар консультацияси ва тиббий-социал ёрдам ҳамда психологик педагогик марказлар шахобчаларини яратиш.

Ҳар икки йўналиш ўртасидаги (шахс-давлат-жамият) - иқтисод ҳисобланади. Бир томондан иқтисодиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш тизими учун базис ҳисобланса, иккинчи томондан - кадрларга бўлган эҳтиёж, айниқса малакали кадрларга бўлган талабни ифодалайди. Кадрлар тайёрлаш тизимининг кўп йўналишдалиги - «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини умумий қонун этади».

Унинг натижалари шахснинг фуқаролик етуқлиги, жамият ва давлатнинг қафолат даражаси, бозор иқтисодининг тараққиёт даражасига боғлиқдир.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаси, унинг асосланганлиги, моҳияти ва ҳал этиш йўли мустаҳкам илмий фундаментга асосланган.

Биринчидан, миллий дастур негизида тизимли ёндашув мавжудлиги. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммоси ва унинг ҳал қилиниши барча омилларнинг ўзаро боғлиқлик йиғиндиси ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимининг ялпи самарали ишларига таъсири кўрсатади.

Узлуксиз таълим тизимида - кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксиз таълим фундаменти асосида шахс ўзининг ҳаёт йўлида танлаган, профессионал

қобилиятини такомиллаштириш ва имкониятларини амалга ошириш ҳисобланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда миллий дастур узлуксиз таълим тизимининг мазмуни ва таркибини ислоҳ қилиш мўлжалланган. Бу шахс, жамият ва давлатнинг ривожланаётган бозор муносабатлари талабига жавоб бериши зарур.

Узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ этиши ўзига қуйидагиларни кўшади:

1. Аккредитация ва лицензия этилган турли таълим муассасаларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, типлари ва кўринишлари.

2. Илмий тадқиқот ва амалиёт функцияларини бажарувчи ҳамда таълим тизимини ривожлантираётган муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар.

3. Таълимни бошқариш ташкилот тизимларининг барча даражадаги, шунингдек улар қармоғидаги ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар.

4. Таълим тизимини ривожлантираётган ва унинг амалий функциясига кўмаклашаётган ижтимоий ва илмий ташкилотлар, бирлашмалар.

Узлуксиз таълим тизимининг функциясини бажараётган тамойиллари:

1. Таълимнинг обрўси - унинг биринчи навбатда ривожланиш характери, таълимга, билимга ва интеллектуалга жамиятнинг янги муносабати.

2. Таълимнинг демократлашуви - ўқиш ва тарбия методларини танлашда ўқув юртларини автоматлашуви, таълимни бошқариш давлат-ижтимоий тизимига ўтиши, унда шахс, жамият, ва давлат тенг ҳуқуқли субъекти бўлади.

3. Таълимнинг инсонпарвар бўлиши - инсонни энг олий социал қадрини исботланиши, унинг қобилиятини очилиши ва таълимнинг турли эҳтиёжларини қондирилиши, умуминсоний қадриятларни обрўли бўлишини таъминлаш, атроф-муҳитга инсон муносабати.

4. Таълимнинг инсонпарвар бўлиши - ўқувчиларда дунёнинг яхлитлигини, юқори маънавиятни, маданий ва умумбашарий тафаккурни шакллантириш.

5. Таълимнинг миллий йўналиши ва унинг миллий тарихи билан, халқни анъаналари ва урф-одатлари, Ўзбекистон халқларининг маданий бойлиги ва сақланишини ўзида мужассамлаштирган, таълимнинг энг муҳим инструменти бўлган миллий юксалишга ва бошқа миллатлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва тан олиш.

6. Таълим ва тарбиянинг узвийлиги, бу жараёнга ҳар томонлама ривожланган шахснинг яқдил шаклланишига итоат қилиши.

7. Таълимнинг кўп қирралиги - унинг барча босқичларини давомийлиги, таълимнинг кенг танлов шакллари имкониятини яратиш, ўқув-тарбия юртлари, таълим ва ўрганиш усуллари, шахснинг қобилиятлари ва талабларига мос келиши, ўқув-тарбия жараёнини дифференциация ҳамда индивидуаллашини таъминлаш.

8. Оммавий таълимни ҳар бир босқичида иқтидорли, талантли ёшларни топиш, фундаментал ва махсус билимларни энг юқори даражада маълумотли бўлиши учун шароитлар яратиш, шунингдек юқори ривожланган илғор ўқув юртлари ва хорижий мамлакатларда билим олишини таъминлаш.

9. Узлуксиз таълимни - умумтаълим ва профессионал тайёрлашни доимий равишда чуқурлаштириш ва янгилаш, таълим ва тарбияда давомийликка эришиш, амалдаги кадрларни янги технология асосида профессионаллигини ошириш.

Юксак тараққиётни таъминлашда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир кўрсата бошлади.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш жараёнида шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши фаоллашмоқда.

3. Таълимнинг миллий моделини амалга ошириш жамиятда эркин фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келмоқда.

4. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг моделини амалга ошириш миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини замонавий босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи баркамол авлодни шакллантиришга қаратилгандир.

8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини тўла таъминлашга хизмат қилади.

9. Мамлакатимизда таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва таълим ишларининг самарали шакллари ҳамда услублари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда.

10. Таълим ва кадрлар тайёрлаш борасида таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилишнинг самарали тизими юзага келди.

11. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълимнинг талаб даражасидаги сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий самараси ва барқарор

ривожланишининг кафолатлари, устувор йўналишларини таъминлайдиган норматив, моддий-техник ва ахборот базаси яратилди.

12. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияда Юртбошимизнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислох қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Хуллас, мамлакатимизда ёш кадрларни тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада махсус миллий дастур амал қилинмоқда. Малакали кадрлар тайёрлаш давлат аҳамияти даражасига кўтарилган. Бу борада таълим тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури муҳим аҳамиятга эга бўлди.

## **1.2. Касб-хунар таълимини ривожлантиришда хорижий тажрибалар ва уларнинг хусусиятлари**

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш ҳолатида ёхуд бозор муносабатлари шаклланишида олдин учрамаган ва бир қанча жараёнларнинг вужудга келганлиги сабабли хорижий давлатларнинг касб-хунар таълимини ривожлантиришга оид тажрибаларини ўрганиш ва миллий иқтисодиётга тадбиқ этиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Чунки жаҳоннинг кўплаб

мамлакатлари бу соҳада амалий ва назарий тажрибаларга эга бўлиб, улар бу борада юқори натижаларга эришиб улгаурган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими ривожланишига карамай, уларнинг етарли даражасига эришилгани йўқ. Уни самарали ривожлантириш салоҳиятли имкониятларининг мавжудлиги ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига эришиш бўйича тажрибаларни ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Иқтисодиёти ривожланган Америка, Европа ва Осиё мамлакатларида ушбу давр мобайнида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланган. Мазкур йўналишлар замирида инсон тараққиётидаги нафлилик ётади.

Масалан, XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ёхуд “тўрт аждархо” номи билан машхур бўлган Гонконг, Сингапур, Тайван ва Жанубий Корея давлатлари юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади. Мазкур иқтисодий ўсиш таълим соҳаси таъсири доирасида амалга ошиб борди ва таълим соҳасини ривожлантириш давлат молия ва бюджет сиёсатининг ўзагини ташкил этди.

Президентимиз бу масалада мустақилликгача бўлган даврдаёқ аҳамият бериб, “Айни вақтда биз аҳоли учун даромадлар фақат пахта тозалаш саноатидан эмас, балки ақлий меҳнатга, илм-фан ютуқларига асосланган. Кадрларнинг малакасини ошириб боришни талаб этадиган тармоқлардан келиши ҳақида жиддий ўйлашимиз керак. ....бир вақтлар катта давлатнинг мустамлакаси бўлган Жанубий Кореяда, Таиландда, Гонконгда қандай кадрлар, қандай ақл-заковат эгалари етишиб чиқмоқда, улар қандай мўъжизаларни яратмоқда?” дея эътироф этган эди.<sup>3</sup>

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – Б. 168.

Японияда таълим тизимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига икки вазифани қўяди: биринчиси, бойиш ва иккинчиси, ғарб мамлакатлари технологиясини Япония ишлаб чиқаришига жорий этиш ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, ўзгартириш зарурлигини таъкидлайди.

1872 йилда «Таълим ҳақида» қонун қабул қилинган. Бунда Япония таълим тизими ғарб мамлакатлари таълим тизими билан уйғунлаштирилди. 1908 йилга келиб, Японияда бошланғич таълим мажбурий олти йилликка айлантирилди. 1893 йилда касбий йўналишдаги дастлабки коллежлар пайдо бўлади.

Японияда фуқарони, ёшларни тарбиялашнинг энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади. Бундай тарбиянинг асосий маскани сифатида мактаб ва касб-ҳунар таълими танланган. Чунки мактаб ва касб-ҳунар таълимида бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Кунчиқар мамлакатда фуқаро тарбияси «ахлоқий тарбия» тизими доирасида амалга оширилади. Расмий хужжатларда «ахлоқий тарбия» тизими қуйидагича номланади: 1) «характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим»; 2) «давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият»; 3) «фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш»<sup>4</sup>.

Аслида, бу тизим миллатни тарбиялаш тизими вазифасини ўтайди. Ундан кудратли ғоявий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, айнан «ахлоқий тарбия» тизими Япония мамлакати иқтисодий равнақининг ғоявий асосини ташкил қилади. Чунки бу тизим ишлаб чиқаришда маънавий салоҳиятдан унумли фойдаланишга йўналтирилган. Шу боисдан ҳам инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679) «Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишлари ва феъл-атворини ўрганиш жоиздир» деган эди.

---

<sup>4</sup> Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 302-бет.



Иккинчи жаҳон урушидан хароба бўлиб чиққан Япония мамлакатининг 30-40 йилда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олгани кўпчиликнинг хайратини уйғотади. «Кичик бир оролнинг бундай қисқа вақтда ҳунармандчилик устахоналаридан автоматлашган саноатгача бўлган йўлни босиб ўтганини қандай тушунтириш мумкин?». Мазкур саволга японлар қуйидагича жавоб берадилар: «Салоҳият инсонларда яширин». Япония менежментининг олтин қоида­сига кўра, инсондан қимматроқ бойлик йўқ. Япон киши­сида қуйидаги қадрият ва сифатлар қарор топ­тирилади:

Меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характери­га хос хусусиятлар саналади. Бироқ, давлат бу билан қаноатланмай, ўз фуқароларида ушбу сифатларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш вазифасини таълим соҳасига юклайди. Натижада, мактаб ва касб-ҳунар муассасаларида гуруҳий бирдамликни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда жамоатнинг ютуғи ҳам, мағлубияти ҳам гуруҳнинг ҳар бир аъзосига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя сингдирилади, ўз ролини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш талаб этилади. Бундай тарбия кўрган фуқаро жамоа муаммоларини ўзининг шахсий муаммолари сифатида қабул қилади. Олимларнинг фикрича, айнан шундай гуруҳий бирдамлик (япончада «айдагарасюги») туфайли мамлакат мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларга эришди.

Франция давлати жаҳондаги иқтисодий ва интеллектуал ривожланган мамлакатлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим-тарбия тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эгадир. Бу мамлакатда «Таълим ҳақида» ги қонун даставвал 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга бир қатор ўзгаришлар киритилиши билан таълим тизимининг ислоҳи ўтказилди.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилаётган «Таълим ҳақида» ги қонуни 1989 йил 10 июлда қабул қилиниб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ислоҳотлар, юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл

педагогикасидаги илғор тажрибаларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув фанларининг уйғунлашуви ва бошқалар сабаб бўлди.

Франция давлатида таълим тизимининг камол топтиришини таъминлаш, уни мустақил ва мустаҳкам фаолиятга тайёрлаш, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка, умуман муаммоли ҳаётга тайёрлашга ўргатиш, шунга яраша касб-ҳунарга эга қилишдан иборатдир.

1990 йилдаги француз ҳукумати қарорига биноан, болалар билими ва қобилиятига қараб дарс жадвалини табақалаштирилган ҳолда тузиш ҳуқуқи берилди. Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб, ўрта мактабга ўтади. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда ўқитилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб, энг кичик синф 6-синф, 5, 4-ўрта синф бўлса, катта синф ҳисобланади. Демак, синфларни рақамлаш юқоридан пастга қараб амалга оширилади. 6-5 синфлар умумий ўрта таълим, 4-3 синфларда эса ўқувчиларнинг мойиллигига қараб билим берилади. Бу биринчи босқични тугатгач, ўқувчилар касбий ҳунар йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Сўнгра иккинчи босқич бошланади. Бу босқичда 15-18 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар. Улар уч йил ўқиб, бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шунда, диплом олган ўқувчиларгина олий ўқув юртларига қабул бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар.<sup>5</sup>

Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб юқоридир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг (9-10 синфлар) 79 фоизи тўлиқ ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20 фоизи ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттиради. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб, 1 йил асосий ҳунар таълими берилади. Бунга

---

<sup>5</sup> Иномов И Иқтисодий тарбия назарияси- Т.: “ТДИУ”, 2005. 150 б.

Ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. 2 йил давомида махсус хунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтиши учун синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида имтиҳонлар махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, федерал ерлардаги саноат палатаси, хунармандчилик палатаси вакилларида ташкил топади. Хунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун бир йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб қилинади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз, мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Юқори сифатли таълим Сингапур давлати учун фахр ҳисобланади. “Таълимга давлат бюджетининг бешдан бир қисми кетади. Бу жуда катта кўрсаткичдир. Бутун дунёдан таълим ва тараққиёт ишлари учун мамлакатга катта иш ҳақи ҳисобига сифатли асбоб-ускуналари билан олим ва тадқиқотчилар жалб қилинади. Натижа аниқ: бугун ишчи кучи сифати бўйича Сингапурни ортда қолдирадиган давлат йўқ”б.

АҚШ фуқаролари Конституцияни, Америка давлатчилигининг асослари ва демократик тамойилларни муқаддас деб билади ва бу туйғуни ёшлар онгига сингдириш ҳақида тинимсиз қайғуришади. Ёшларда эркин яшашга иштиёқ, мустақилликни кадрлаш туйғуси шакллантирилади.

АҚШнинг фан ва технологиялар соҳасида бошқа давлатлардан ўзиб кетганлигининг сабаби шундаки, Америкада аввало эркин ва ижодий фикр кадрланади ҳамда ўзгача фикрлайдиганларга нисбатан бағрикенглик қарор топтирилган. Лекин америкалик фуқарони тарбиялашнинг энг асосий жиҳати бошқа бир ғояда яширин. У ҳам бўлса, ҳар бир инсонни ноёб истеъдод эгаси деб билиш, ҳар бир шахсга ҳазрати инсон сифатида мурожаат қилишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда ёшларнинг ўз ўрнини топиши ва жамиятга хизмат қилишида касб-ҳунар таълимига эътибор катта ва кадрланиши билан таҳсинга сазовордир. Шу сабабли ҳам ушбу мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш фойдадан ҳоли эмас.

Хорижий тажрибаларни ўрганишда айниқса, ёш авлоднинг меҳнатсеварликка, тиришқоқликка, интилувчанликка, рақобатбардошлиги ва касб маҳорат эгаллашга интилиш жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

### **1.3. Ислохотлар даврида касб-ҳунар таълимини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви ва амалиётга тадбиқ этилиши**

2016 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилнинг асосий яқунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислон Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” мавзусидаги маърузасида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишлар ҳақида алоҳида тўхталди. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганлигини таъкидлаб, “ 2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилди. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш

тизимига 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди 7.

2015 йилга келиб, юртимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) сони 1536 та. Шундан замонавий типдагиси 1413 та; мослаштирилгани 123 та, академик лицейлар сони – 142 та, касб-ҳунар коллежлари сони – 1394 та.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагог ва муҳандис-педагогларнинг умумий сони 111881 нафар. Шундан фан докторлари - 96 нафар, фан номзодлари - 1105 нафар, олий маълумотли ўқитувчилар - 101545 нафар.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитилаётган касбларнинг умумий сони - 251 та. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчиларнинг умумий сони - 1036104 нафар<sup>8</sup>.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги 20 йилдан ошиқ авқт мобайнида халқимиз ўзининг мард ва донишманд раҳбари бошчилигида асрларга татиғулик улкан ишларни амалга оширди. Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва миллий маънавият соҳаларида туб ислохотлар туфайли юртимизда обод ва эркин фаровон ҳаёт асослари барпо этилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари қуйидаги ҳужжатларда белгилаб берилди ҳамда улар базасида энг муҳим йўналиш ва натижалар ижроси таъминланди.

---

7 И. Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йилнинг асосий яқунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 №11.

8 Таълим-тарбия истиқлол кўзгусида // Маърифат, 2015 йил 30 сентябрь.

I. Таълим тўғрисидаги қонун (1992 йил 2 июль). Мутақил давлатимиз раҳбарияти, энг аввало, ишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишдан бошлади. Собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда «Таълим тўғрисида»ги Қонунини тасдиқлади. Бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулияти аниқ белгилаб берилди. Бинобарин, бу муҳим давлат ҳужжатининг қабул қилиниши таълим соҳасида амалга ошириладиган барча ислохотларнинг муқаддимаси ҳамда ҳуқуқий кафолати эди<sup>9</sup>.

II. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь). Асосий қонунимиз Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда, ёшлар онгига сингдиришнинг ҳуқуқий асосларини ўзида ифода этган. Конституция барча фуқаролар қатори ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолатларини ҳам ўзида акс эттиради. Жумладан, унинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». 45-моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир». 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», 117-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар»<sup>10</sup>, деб белгилаб қўйилгани фикримизнинг далилидир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси мустақил, ҳуқуқий демократик, инсонпарварлик қоидаларига асосланган,

---

9 Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996. 4-5-бет.

10 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2010. 9-10,13,31-32-б.

миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Шунингдек, Президентимизнинг 1993 йил 29 декабрдаги фармонида биноан, октябрь ойининг биринчи якшанбаси халқ таълими ходимлари куни (касб байрами сифатида) белгиланди. 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонда эса ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва ёруғ келажак эгалари эканига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб, 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» – умумхалқ байрами ҳамда дам олиш куни деб эълон қилинди.

III. «Таълим тўғрисида»ги (1997 йил 29 август) қонун (янги таҳрири) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги (1997 йилда 29 август) «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида 1991-1997 йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган таълим-тарбия тизимидаги ислохотларни танқидий баҳолади. Собиқ иттифок даврининг охирида 11 йиллик ўқув тизимига ўтдик. 11 йиллик тизим таркибан 3 қисмга бўлинади: бошланғич таълим – 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим – 9 йил ва ниҳоят, 2 йиллик тўлиқ ўрта таълим... Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак... Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади.

Президентимиз 9-синфни тугатаётганларнинг кейинги йўли – тақдири қандай бўлиши зарурлигини пухта асослаб берди. «Республикамизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади... Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртига кириши мумкин. Қолганлари эса - гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти – ҳисоб-

китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда»<sup>11</sup>. Шу боисдан ҳам 1997йил 29 августда бевосита Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганида катта маъно бор. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9/3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.<sup>12</sup>

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида ушбу фармон билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Ўзбекистонда таълим республика ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётининг энг муҳим йўналишидир. Таълимнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари бўлган шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришдан иборат бир бутун тизим юзага келди.

Бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» - ўз тараққиёт йўлимизнинг таркибий қисмидир.

---

11 Ислон Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Тошкент: Шарқ, 1998. 3-19-б.

12 Президент Ислон Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: O'zbekiston, 2012. – 5-бет.



Бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди ва ушбу мақсадлар устувор ҳисобланади.<sup>13</sup>

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-қарори. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-қарорига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 60 кишидан иборат Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Марказ) ташкил этилди. 1998 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари дастлаб тажриба тариқасида фаолият бошлади. Академик лицейларга барча (9-синф) битирувчиларнинг тахминан 10-15 фоизи танлов асосида қабул қилинди.

Касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва педагог-муҳандислар тайёрлаш бўйича 3 та оталиқ зона (минтақавий) бўйича тегишли олий ўқув юртлари бириктирилди: 1) Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти; 2) Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети; 3) Наманган муҳандислик-педагогик институтларида кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда, биринчидан, янги таълим тизими, иккинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлашда таълим соҳасидаги ўзгаришлар, янги касб соҳаларининг пайдо бўлгани ва уларнинг Ўзбекистон шароити, аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари, учинчидан, бунда ҳар бир вилоят, ҳудуд ва минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олиш тажрибасининг

---

13 И.А. Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 4-бет.

афзалликлари, тўртинчидан, мамлакатимизнинг олий таълим соҳасидаги 71 та муассасаси тайёрлаб берадиган янги авлод кадрлари, уларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилди.

VI. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда «Ёшлар йили»да бажарилиши лозим бўлган асосий ва муҳим вазифалар белгилаб берилди ва уларнинг ижроси 9 та йўналишда амалга оширилди.

VII. 2010 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий вазифалар белгиланди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда микрофирма ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолат ва ҳуқуқлар сақланиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодийни модернизациялаш ва аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатдан яхшилаш шароитида касб-ҳунар таълимини ислоҳ қилишга ва таркибий жиҳатдан янгилашга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу соҳада туб бурилишга эришилди.

## **II Боб. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўламини кенгайтириш масалалари ва йўналишлари**

### **2.1. Касб-хунар таълими ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграциялашуви талабалар билимини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида**

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақоботбардош ва сифатли кадрлар тайёрлашни кўзда тутди. Унинг асосини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш орқали юқори малакали ҳар томонлама такомиллашган кадрлар тайёрланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор йўналишларидан яна бир жиҳати фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувидир. Ёхуд бундай таълим тизимининг амал қилишидан қуйидаги натижаларни назарда тутди:

- 1) касб-хунар таълимининг ташкилий ва услубий изчиллигини таъмин этиш;
- 2) соҳалар вазифасини ҳал этиш учун мақсадли мутахассислар тайёрлаш яқдиллигини амалга ошириш;
- 3) ўрта қатлам мутахассисларини тайёрлаш учун ташкилотларнинг моддий техника базаларидан ҳамда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятидан фойдаланиш.<sup>14</sup>

Саноати ва интеллектуал салоҳияти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқа қанчалик мустаҳкам бўлса, шунчалик юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг самарали бандлигини таъминлаш мумкин бўлади.

---

<sup>14</sup> Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси-Т.: ТДИУ, 2005.- 199. Б.

Бугунги кунда мамлакатимизда касб-хунар таълимида олиб борилаётган ислохотлар мазмуни ҳамда битирувчилар оқилона бандлигини таъминлашдаги устувор йўналишлар ҳам айнан шуни ташкил қилади.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, “Жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар – 2-3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-хунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Бу ўринда навқирон авлодимизни фаол меҳнат фаолиятига тўлақонли жалб этиш бўйича вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, корхона ва коллежлар раҳбарларининг ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича масъулияти ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак” деб таъкидлади.<sup>15</sup>

Ҳозирги фан-техника тараққиётининг характерли томони шундаки, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви орқали сифатли товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга малакали кадрлар тайёрлашга эришилади. Касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви икки томонлама таъсирга эга бўлиб, бир томондан фан ва таълимнинг ривожланишини рағбатлантирса иккинчи томондан ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки беради. Битирувчиларнинг иш топиши осон кечади, ўқув давридаёқ тажриба ва кўникмаларга эга бўлади. Таълим муассасалари мутахассис тайёрлашнинг мақсадли тизимига ўтади. Ишлаб чиқариш корхоналари фан ва таълим янгиликларидан баҳраманд бўлади, замонавий фан техника ютуқлари асосида ривожланади, назарий билимлар ва амалиёт бирлиги таъминланади. Илмий

---

<sup>15</sup> Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

тадқиқот ишларини ва кичик инновацион фирмаларни ривожлантириш имкониятлари пайдо бўлади. Таълим муассасалари моддий - техника базаси ривожланади ва бюджет маблағлари тежалади. Таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш имконияти пайдо бўлади.

Бунда юқори малакали мутахассислар, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларни натижаларини саноатда қўллаш функцияси қўшилади. Бундай бирлашмаларда бош - ташкил этувчи звено бўлиб, касб-ҳунар коллежлари ҳисобланади. Чунки, улар жамият эҳтиёжлари асослари ўқув илмий-техник сиёсатини ўтказишга мос ҳолда юз беради. Ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг турли кўринишлари фақат жамият ва иқтисоднинг барқарор ривожланишидагина зарур бўлиб қолмай, балки жамиятнинг ўтиш даврида ҳам, иқтисод ва таълим тизими учун кадрлар учун ҳам интеграциялашув энг муҳимдир.

Ўзбекистон шароитида бундай лойиҳаларни амалга ошириш, амалиётга тадбиқи фақатгина уларга мос норматив ҳуқуқий базалар ва молиявий-моддий сарфларгина эмас, балки ташкил қилинаётган ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг психологик қайта қуриш компонентларини ҳам тузишни талаб қилади.

Айнан ушбу масалага Президентимиз И.А.Каримов жиддий эътибор қаратиб, “2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди.

Коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битрувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробор кўпдир деди. Ёшларимиз, фарзандларимизнинг айниқса, қишлоқ жойларда бандлик муаммоси биз учун энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини назарда тутган ҳолда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари

раҳбарларига бу борадаги ишлар учун улар шахсан жавобгар эканини яна бир бор таъкидлаш ўринли.<sup>16</sup>

Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданок аниқ белгилаб олиш, корхоналар иблан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш – бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим” деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.<sup>17</sup>

Бундан кўришиб турибдики, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ва ҳамжиҳатлиги мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ва таълим соҳасининг олдига қўйган вазифаларини тўла-тўқис амалга оширишида ҳамда битирувчиларнинг иш билан бандлигини амалга оширишда беҳад муҳимдир.

Шундай экан узлуксиз таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини таъминловчи такомиллашган ягона концепцияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим. Концепцияда интеграциялашув жараёни амал қилишининг асосий принциплари ва вазифалари акс эттирилиши керак. Ушбу концепциянинг асосий мақсади интеграциялашув жараёни учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва аниқ йўналтирилган йўналишларини белгилаб олишдан иборат бўлиши керак.. Иккинчидан, касб-ҳунар коллежлари кадрлар тайёрлашда чуқур ва такомиллашган маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналари билан келишувлар асосида мутахассислар тайёрлаш лозим. Учинчидан, касб-ҳунар коллежлари

---

16 И. Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йилнинг асосий яқунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 №11.

17 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434)

ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини аниқлаштирувчи ва муастаҳкамлашга хизмат қилувчи шартномаларни имзолаш керак.

Хуллас, касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрдашда бозор конунларининг ҳаракатланиши меҳнат ресурсларининг сифатини юқори даражага кўтариш имконини берадиган тизимга айлантиришда назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш беҳад муҳимдир.

Республикамиз иқтисодиёти дунё миқёсида ўз ўрнига эга бўлиши лозим, бунинг учун эса юқори малакали кадрлар, тадбиркорлар, менежерлар ва ишбилармонлар зарур. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари салоҳияти таркиби ва ҳаракатида сифат силжишлари умумий кўринишда қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Ишчининг касб-корлиги тақрибида ўзгариш бўлиши керак, малакасиз ва агар қўл меҳнатига асосланган меҳнатни қисқартириш ва ақлий ҳамда жисмоний меҳнат функцияларини уйғунлаштирган юқори малакали ишчилар улушини кўпайтириш керак. Шунингдек, кенгроқ ихтисослик доирасида ишлай оладиган касб эгаларини тайёрлаш лозим.

2. Ишлаб чиқаришда ўрта умумий ва махсус, шунингдек, олий маълумотли ишчиларга талаб ошиб боришини назарда тутган ҳолда барча тоифадаги ишчиларни маълумотли, касб-корлиги даражасини ўстириш керак. қишлоқдаги ёшларга касб танлашга ёрдам бериш учун турли тадбирлар, тарғибот ишлари олиб борилиши керак.

3. талабаларни бир-бирига ўхшаш касбларни эгаллашларини амалга ошириш керак. Ўхшаш касблар ва ихтисосларни эгаллаб олган, узлуксиз ўзгариб турадиган ишлаб чиқариш шароитларига анча енгил ва тез мослаша оладиган кўп қиррали кадрларни кўпайтириш зарур.

4. Мумкин қадар ҳар томонлама такомиллаштириш, энг муҳим вазифа - кадрлар тайёрлашнинг барча тизимини тубдан янгилаб, унинг меҳнат фаолиятининг ўзида узлуксиз касб ўрганиш ва касб алмаштиришни

таъминлайдиган, иқтисодий билимларни касбий тайёргарликнинг узвий элементига айлантирадиган қилиш зарур.

## **2.2. Касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашдаги муаммо ва ечимлар**

Бугунги кунда республикамиздаги устувор йўналишлардан бири - аҳоли бандлигини ошириш, ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш, фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг жисмоний ва ақлий салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Айниқса, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишда иш билан бандлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб тизимли фаолиятнинг йўлга қўйилиши ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлмоқда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, “Янги иш ўринларини ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиқчишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.



Ўтган йили биз учун энг устувор вазифа бўлмиш касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди ва айтиш жоизки, бунинг аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллежбителирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди”<sup>18</sup>, – деб таъкидлади.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, бугунги кунда республикамызда жами банд бўлганларнинг 20 фоизи давлат, 80 фоизи нодавлат, шунингдек, 74 фоизи хусусий соҳада меҳнат қилмоқда. Ушбу статистик рақамлар таҳлили давлат корхоналарида ишловчиларни сони қисқариб, хусусий соҳада бандликни ортиши юз бераётганлигини кўрсатади. Бу эса республикамыз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, шунинг асносида аҳолининг бандлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизгин қўллаб қувватланмоқда;
- аҳолининг меҳнат фаоллигини, оилавий ижара, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;

---

<sup>18</sup> Каримов И.А. ”2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

- аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ишчи кучига талабни ошириш бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Мухим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, илғор технологияларни тадбиқ этиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлар қўшимча иш жойларини ташкил қилишда энг кам инвестицияни назарда тутуди ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Бугунги кунда айниқса, минтақаларда аҳоли бандлиги, ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ўрганишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

Республикамизда меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва келажаги, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта ўқитиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш ишлари билан шуғулландилар, кичик бизнес ҳамда

хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга муайян молиявий ёрдам кўрсатилди. Иқтисодиёт тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида таркибий ислохотлар амалга оширилиб ходимлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бошқалар.

Кейинги 10 йил давомида ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Юқоридагиларга асосланиб, республикамиз ва унинг минтақаларида аҳолининг бандлигини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маълумки, мамлакатимизда аҳолининг 62,5 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шунга мувофиқ меҳнатга яроқли аҳолининг ҳам шунча қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш талаб қилинади;
- айти пайтда бугун алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир масала – ёшларни, бўлғуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки, бу борада педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий ўқув юртларининг тажрибали амалиётчи ва ўқитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим;
- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш зарур;

- ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш лозим;

- республика ва унинг минтақаларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳоли бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш зарур;

- аҳолини оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бориш лозим;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш керак;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лозим;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва технология билан таъминлаш даркор;

- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим.

Шу билан бирга мамлакат меҳнат бозори ривожланишида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммосидир.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисида умуман аҳолини, шу жумладан ёшларни иш билан таъминлаш, жумладан, шаҳар, вилоятлардаги ёшларни коллежни битирганларидан сўнг ўз соҳалари бўйича иш топишларини таъминлаш борасида мақсадли режалар тайёрлаш ва уни амалга ошириш масалаларини ўрганиб чиқишни, “корхона-коллеж” алоқаларини йўлга қўйишни қўллаб-қувватлашни таъкидладилар.

Меҳнат бозорида ёшлар гуруҳининг бошқа гуруҳларга караганда бетакрорлиги шундаки, айнан ёшлар меҳнат бозорига илк бора кириб борадилар. Улар мобил, янгиликка тез ўрганувчан, ўз кучига ишонувчан, лекин ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлардаги хатоликлар ва камчиликлар уларнинг соҳаларига мос иш топишлари, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун етарли иш ҳақи билан таъминланмасликларига олиб келади. Ҳозирги даврда ёшларни иш билан таъминлаш борасида бир қанча муаммолар мавжуд, жумладан:

- кўпчилик ёшлар ўзлари ҳали қандай фирма ёки компанияда ишлашни хоҳлашларини кўз олдиларига келтира олмайдилар, яъни қандай ишни танлашни аниқ билмайдилар;

- ёшлар ҳам, давлат ҳам ўқитиш вақтида анча вақтни оладилар, лекин шунга қарамасдан касб-ҳунар коллежларида олинган билим ҳамма соҳада ҳам етарлича бўлавермайди;

- ёшларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош эмаслиги натижасида иш берувчилар уларни ёллашни хоҳламайдилар, кўпинча улар камида 3 йиллик иш стажига эга бўлганларни олишни хоҳлайдилар.

Бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратилмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда

мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартномалар тузиш йўлга қўйилди. Мазкур келишувлар асосида 2011 йилда 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Мамлакатимизнинг ёшлар меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш мақсадида уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;

- ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;

- ёш тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш;

- уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;

- ёш тадбиркорларни бозор конъюнктураси, хом-ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш;

- ёш тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар.

2014 йилда мамлакатимизда 970,0 минг иш ўринлари яратиш мўлжалланган бўлиб, шундан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш ҳисобидан 58,1 минг иш ўрни, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан 366,2 минг иш ўрни, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 119,3 минг иш ўрни, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан 218,1 минг иш ўрни, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан 122,9 минг иш ўрни, ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан 73,1 минг иш ўрни, ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобидан эса 15,2 минг иш ўрни яратилади(2.2.1-жадвал).

Уларнинг қарийб ярмини кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиши якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

### 2.2.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида 2012-2014 йилларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури (минг киши)<sup>19</sup>

Т/р	Йўналишлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил
	Иш ўринларини ташкил этиш, жами	956, 2	967,5	970,0
	шу жумладан, қуйидагилар ҳисобидан:			
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш	57,5	57,9	58,1
2.	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш	365,8	365,9	366,2
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	111,9	117,2	119,3
4.	Касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш	216,1	217,2	218,1

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

5.	Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик)	122,4	122,7	122,9
6.	Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	72,9	73,0	73,1
7.	Ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш	9,6	13,6	15,2

Аҳоли таркибидан маълумки, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар ичида битирувчи ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Таълимни ривожлантириш ислохотлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида республикада ёшларнинг касб-ҳунар коллежларига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Касб-ҳунар коллежлари фаолиятидаги энг заиф бўғин ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1) 9-синф битирувчилари касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш;

2) ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш;

3) касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш.

Шу билан бирга, бугунги кунда касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида корхоналарда квотали иш ўринлари шакллантирилмоқда; меҳнат



органлари касб-ҳунар коллежлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда; касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллежларнинг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрламоқда ва уларни амалга оширмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, янги иш ўринлари ташкил этиш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

-кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

-уй меҳнати (касаначилиқ)ни ривожлантириш;

-янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;

-ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

-фермер ва аҳоли хўжалиқлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, интенсив технологияларни жорий этиш;

-ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш, молиявий соғломлаштириш ва бошқалар.

## **2.3. Битирувчилар иш билан бандлигини таъминлашнинг назарий таҳлили**

Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли бўлган иқтисодий фаол аҳоли таркибида меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар ичида олий ва ўрта махсус таълими битирувчи ёшлари юқори улушга эга бўлмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда олий ва касб-ҳунар таълимида олиб борилаётган ислохотлар мазмунида битирувчилар оқилона бандлиги таъминлаш устувор йўналишлардан бирини ташкил қилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ушбу масалага эътибор қаратиб, “Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади”, деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.<sup>20</sup>

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида Президентимиз И.А.Каримов томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида битирувчилар бандлигини таъминлашнинг стратегик вазифалари белгилаб берилдики, бу эса мазкур соҳада мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш ва изланишларни давом эттиришни тақозо қилмоқда.

Кейинги йилларда олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини такомиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат

---

<sup>20</sup> Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир ” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // Adolat газетаси 2015 йил. 17 январь №3.

Кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра биринчи марта ишга кираётган касб-ҳунар ёки олий таълим муассасаларини битирган шахслар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслигининг ўзи битирувчиларга қаратилаётган эътиборнинг дастлабки босқичи бўлди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, фуқароларнинг ушбу тоифасига таълим муассасаларини тугатган ёшлар ҳам киритилди ва иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар учун белгиланди.

Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда бандлик масалаларини такомиллаштириш мақсадида 2009 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1251-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг бугунги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитидаги янги вазифалари белгилаб берилди. Шу билан бирга, мазкур тизимга тегишли таркибий ўзгаришлар ҳам киритилди. Унга кўра энди туман ва шаҳар меҳнат, бандлик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларини бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига айлантириш ҳамда йирик маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аҳолини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, мазкур марказларнинг вазифалар кўлами янада кенгайтирилди.

Битирувчилар бандлигини оширишдаги эзгу амалларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-

4232-сонли фармони, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, уларнинг бизнес лойҳаларига имтиёзли микрокредитлар бериш ва тадбиркорлик ғояларини рағбатлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни кўзда тутди. Ҳозирги босқичда узлуксиз таълим доирасида етишиб чиқаётган маълумотли ва малакали кадрларни мутахассислиги бўйича фаол меҳнат фаолиятига жалб этиш катта масъулят юклайди.

Президентимиз И.А.Каримов республикамызда битирувчиларнинг иш билан бандлиги вазифаларини бажаришнинг аҳамияти тўғрисида тўхталар экан, шундай деган эди: “Жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар – 2-3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Бу ўринда навқирон авлодимизни фаол меҳнат фаолиятига тўлақонли жалб этиш бўйича вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, корхона ва коллежлар раҳбарларининг ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича масъулияти ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак”.<sup>21</sup>

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши, фан сиғими юқори бўлган соҳаларнинг пайдо бўлиши ва жаҳон иқтисодиётига

---

21 Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

интеграциялашув натижасида мутахассислар тайёрлашда миқдор кўрсаткичларга эмас сифат кўрсаткичларга эътибор қаратилди.

Олий ўқув юртларида битирувчилар сони 2010-2011 ўқув йилидаги 76,4 минг киши ўрнига 2014-2015 ўқув йилида 67,6 минг кишига камайган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган ўқувчилар сони мазкур даврда таълим муассасалари сони кўпайишига монанд 445,6 минг кишидан 534,5 минг кишига етган. Жадвал маълумотларидан кўринадикки, битирувчилар сони меҳнат ресурслари таркибида катта улушни ташкил қилиб, уларни иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

### 2.3.1-жадвал

#### **Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчилари сони кўрсаткичлари<sup>22</sup>**

	2010-2011	2011-2012	2012-2013	2013-2014	2014-2015
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари сони, бирлик	1539	1540	1551	1556	1557
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган ўқувчилар сони (минг киши)	445,6	474,5	555,1	539,8	534,5
10 000 аҳолига нисбатан	156	162	186	179	
Олий таълим муассасалари сони, бирлик	65	65	64	66	68
Олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар сони	76,4	86,3	60,9	63,1	67,6

<sup>22</sup>Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплами –Т.: 2014, Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплами –Т.: 2015.

(минг киши)

10 000 аҳолига нисбатан

27

29

20

21

Меҳнат бозорида олий ўқув юрти ва касб-хунар таълими битирувчиларига бўлган талабни ошириш бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хорижий инвестициялар жалб қилиш, маҳаллийлаштириш дастурига тўла амал қилиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилona белгилаш орқали эришилади.

Битирувчилар бандлигини оширишнинг муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, бунда янги замонавий хизматлар ҳисобига кенгайтиришни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қайта ишлаш саноати тармоқларини кўпайтириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Ушбудан келиб чиқиб, олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари фаолиятидаги энг заиф бўғин ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида қуйидагилар амалга оширилмоқда:

- ананавий меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда;
- олий ўқув юртлари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиноқда;
- битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларига имтиёзли микрокредитлар ажратилмоқда;
- меҳнат органлари олий ўқув юртлари ҳамда касб-хунар коллежлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда;

- битирувчиларни ишга жойлаштиришга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмоқда;
- меҳнат бозорида янги мутахассисликларга бўлган талаб ўрганилмоқда;
- хўжалик юритувчи субъектлардан меҳнат органлари бўш иш ўринлари ҳақида маълумот талаб қилмоқда;
- корхоналарда квота иш ўринлари шакллантирилмоқда;
- меҳнат органлари томонидан қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ёшларимизнинг барчасини тенг кўриш, уларнинг бой ва камбағалнинг боласига ажралиб қолишига йўл қўймаслик, ўқишни битиргач, ҳар бирини ишга жойлаштириш давлат ва жамиятнинг, ота-оналар ва ҳаммамизнинг бурчимиздир.<sup>23</sup> Шундай экан, биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг самарали иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг келажақдаги ўз ўрниларини топишга кўмаклашиш ва олган мутахассисликлари бўйича меҳнат фаолиятига йўналтириш беҳад муҳимдир. Мазкур ишларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- битирувчилар бандлиги мониторингини таълим муассасалари билан бандликка кўмаклашиш марказлари алоҳида олиб боришлари ва қиёслаш тизимини йўлга қўйиш;

- ўз бизнесини бошлаган битирувчиларга амалий ёрдам берадиган семинар-тренинглар ташкил этиш;

- тадбиркорлик қобилияти ва ғоялари мавжуд бўлган битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш;

---

<sup>23</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015 б-154.

- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш;

- уй меҳнати (касаначилиқ)ни ривожлантириш;

- янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;

- ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

- фермер ва аҳоли хўжаликлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, интенсив технологияларни жорий этиш;

- ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш, молиявий соғломлаштириш;

- кадрлар тайёрлашда иқтисодиётни модернизациялаш диверсификациялаш, илм талаб соҳаларни ривожланаётганлиги, иқтисодиётда кечаётган таркибий ўзгаришлардан келиб чиқиш;

- таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини аниқлаштирувчи ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи шартнома муносабатларини йўлга қўйиш;

- биринчи марта ишга кираётган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шерикликдаги фаолиятини таъминлаш ва бошқалар.

Хуллас, битирувчилар иш билан бандлиги масаласи бугунги кунда иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналиши ҳисобланар экан, ушбу жараённи четлаб ўтиб бўлмайди, аксинча кенгроқ ўрганиш, тизимлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.



## Хулоса ва таклифлар

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг устувор йўналишларини ўрганиш асосида қуйидаги **хулосага** келинди.

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида чуқур таркибий ўзгаришлар юз бериб, бандлик ва ишсизлик муаммолари юзага келди. Бу ўз навбатида оила ёки алоҳида шахсга таъсирни ўтказмай қолмайди. Айниқса, энди ҳаётга кадам қўйаётган касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда хусусий секторнинг эгилувчанлиги, ҳаммабоблиги, мослашувчанлиги ва қулайлиги айниқса, ёшлар, қариялар, ногиронлар ва аёлларнинг иш топишида катта роль ўйнайди.

4. Ўзбекистоннинг туб аҳолиси азалдан қишлоқ жойларда ва ота-она, қариндош-уруғлар атрофида яшашга ўрганган бўлиб, ўз яшаш жойини ўзгартиришни истамайди. Бу хусусият аҳолини иш билан банд бўлиши муаммосини ҳал қилиш ва янги иш жойларини ташкил қилишда ҳисобга олишни тақозо этади. Ваҳоланки, ишсизликнинг алоҳида шахс учун ҳам, жамият учун ҳам ижтимоий-иқтисодий салбий оқибатлари мавжуд. Яъни шахснинг яшаш турмуш даражаси пасайиб, руҳий тушкунликка тушади ва малака, кўникма, тажрибаларини йўқотади. Жамиятда эса, мамлакат миллий даромади яратилишида иштирок этмайди. Шу боис меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанатга келишида битирувчи ёшларни ҳисобга олиш лозим бўлади.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан банд этишга қаратилган қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Илғор тадбиркорлик ғоялари мавжуд инсонларни тинглаш, қўллаб-қувватлаш, зарур ҳолларда қидириб топиш ҳамда аҳолининг кенг қатламларида хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини уйғотиш ва кичик корхоналарни ташкил этиш орқали касб-хунар коллежлари битирувчиларини қўшимча иш жойлари билан таъминлаш.

2. Турли ҳудудларда битирувчиларни иш билан таъминловчи ва кичик корхоналар билан боғловчи инфратузилмани ташкил қилиш, битирувчиларнинг ўзларига маъқул иш топишларида қулай муҳитини шакллантириш.
3. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқаришда жаҳон андозаларига мос илғор тажрибаларга суяниш.
4. Ўз мабалағлари ҳисобига фаолият кўрсатаётган ва касб – ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминланишига хисса қўшаётган ҳамда фойдали хизматларни кўрсатаётган тадбиркорларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш.
5. Хусусий секторни ривожлантириш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан банд этиш борасида ҳудудий ва алоҳида соҳавий дастурларни ишлаб чиқиш зарур.
6. Битирувчиларнинг қизиқишлари ва шарт-шароитларни аниқлаш доирасида кенг миқёсли социологик тадқиқотлар ўтказиш, мониторинглар олиб бориш орқали мавжуд ҳолатни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак.
7. Турли ҳудудларнинг демографик, табиий-иқтисодий шарт-шароитларини чуқур ўрганиб, уларга мос келувчи хусусий сектор тузилмаларини ташкил этиш ҳисобига самарали бандликни шакллантириш.
8. Талабаларни бир-бирига ўхшаш касбларни эгаллашларини амалга ошириш керак. Ўхшаш касблар ва ихтисосларни эгаллаб олган, узлуксиз ўзгариб турадиган ишлаб чиқариш шароитларига анча енгил ва тез мослаша оладиган кўп қиррали кадрларни кўпайтириш зарур;
9. Мумкин қадар ҳар томонлама такомиллаштириш, энг муҳим вазифа - кадрлар тайёрлашнинг барча тизимини тубдан янгилаб, унинг меҳнат фаолиятининг ўзида узлуксиз касб ўрганиш ва касб алмаштиришни таъминлайдиган,

иқтисодий билимларни касбий тайёргарликнинг узвий элементига айлантирадиган қилиш зарур.

10. ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш зарур;

11. Ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;

12. Ёш тадбиркорларни бозор конъюнктураси, хом-ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- провард мақсадимиз-Т.: «Ўзбекистон», 2000. 77 б.
2. Каримов И. А. Одамларнинг ташвиш ва орзу интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин. ҒҒХалқ сўзи, 2002. 19-июль.
3. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоралик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. ҒҒХалқ сўзи, 2002. 30 август.
4. Каримов И.А. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим. //Халқ сўзи, 2003. 8 октябр.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент, 2005. 82 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 48 б
6. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодий ҳаётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир ” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // Adolat газетаси 2015 йил. 17 январь №3.
7. Каримов И.А.”2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.
8. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015 б-154.

9. Каримов И.А. 2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Ғғ Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434)
10. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир.-Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б. 28.
11. Абдуллаев Ё, Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 саволга жавоб-Т.: «Меҳнат», 2000 . 350 б.
12. Абдуллаев А. Муфтайдинов Қ, Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш –Т.: «Молия», 2003 . 192 б.
13. Абдусаломов М. Э. Тадбиркор суд ҳимоясида –Т.: «Адолат», 2001. 28 б.
14. Абулқосимов Ҳ. П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари –Т.: «Молия», 2005. 225 б.
15. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес –Т.:«Шарқ», 2002.363 б.
16. Ғуломов С.С, Убайдуллаева Р, Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон –Т.: «Тошкент ислом университети», 2003. 296 б.
17. Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи –Т.: «Молия», 2001. 268 б.
18. Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси-Т.: ТДИУ, 2005.- 248. Б.
19. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт –Т.: «Молия», 2004. 208 б.
20. Қосимова М.С ва бошқалар Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: «Ўқитувчи», 2003. 240 б.
21. Раҳимова М.Р. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004. 128 б.
22. Тўхлиев Н. ва бошқалар Ўзбекистон иқтисодий асослари -Т.: «Ўзб. Мил.

Энцикл», 2006, 280 б.

2.3.Одилова Г. Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлаш ва таълим мажмуини ривожлантириш йўналишлари //Бозор пул ва кредит. – Тошкент, 2004. - №6.

24.Усмонова Р. Таълим хизматлари бозорининг ривожланиши //Бозор пул ва кредит. -Тошкент, 2007. - №6.

25.Худойбердиев З. Дунё мамлакатларида демографик жараёнлар //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2004. - №5-6.

26.Ҳасанов Р. Хўжаев Х. Иқтисодий ўсишда инсон омили //Бозор пул ва кредит. -Тошкент, 2007. - №5.

27.Тўхлиев Н. Осиё тараққиёт модели-Т.: “Ўзбекистон”, 2015 63-б.

28. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплами –Т.: 2014, Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплами –Т.: 2015.

29. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси

30. [www. Soc.ru](http://www.Soc.ru)

31. [www. Meo.ru](http://www.Meo.ru)